

ҚУТАДҒУ БИЛИГДА КЕЛТИРИЛГАН ТЎРТЛИКЛАР ТАВСИФИ

1-курс магистранти

Маматсалиева Фотима

Ўзбек адабий тилининг шаклланиш даврини кўрсатувчи асарлардан бири сифатида Юсуф Хос Ҳожиб Болосоғунийнинг “Қутадғу билиг” (Бахт келтирувчи билим) асарини кўрсатиш мумкин¹.

Уч қўлёзма нусхаси фанга маълум бўлган бу асар ўзининг панднома руҳи билан шарқ халқлари орасида машҳур бўлган. Асар жанри хусусида ҳам ҳозиргача фанда турли хил қарашлар мавжуд. Стеблева асарни арузнинг мутақориби мусаммани маҳзуф (мақсур) вазнида ёзилганлигини таъкидлайди². “Қутадғу билиг” маснавий шаклда ёзилган бўлишига қарамасдан, унда кўплаб тўртликлар келтирилган. Бу тўртликлар сони бўйича ҳам фанда олимлар ўртасида бирлик йўқ. Масалан, Фитрат уларни 182 тадан ортиқ, И.В. Стеблева 200 дан ортиқ, Х. Усмонов эса 50 дан ортиқ деган маълумотни келтириб ўтади. А.Н. Самолёвич бўлса уларни Радлов нашридан 202 та санаганини ёзади. Ж. Каримов бир ўринда уларни 180 га яқин дейди. Б. Тўхлиев, Қ. Сидиқов, С. Иботовлар чиқардан нашрда тўртликлар сони 202 та.

Шеърларнинг қофияланиш тизими а-а-а-а, а-а-б-а шаклида.

“Қутадғу билиг”да келтирилган тўртликларнинг барчаси тарбиявий аҳамиятга эга. Аммо уларни қайси мавзуга қаратилгани жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Илм ва маърифатли бўлишга чорловчи шеърлар. Шарқ халқларида азалдан илм-у маърифат улуғланган. Илмли бўлишга даъват қилинган шеърлар, дастлаб, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғатит турк” асарида келтирилган бўлса, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Яссавий ва

¹ Турсунов У, Ўринбоев Б, Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995. –Б. 69.

² Стеблева И.В. Тюркская поэтика (Этапы развития VIII-XX вв). –Москва.: Восточная литература, 2012. –С. 66.

ундан кейинги туркий адабиётнинг забардаст вакиллари ижодида бу мавзуга катта урғу берилган.

Туркий шеърятда, илмли бўлиш, билим эгаллаш қадрият сифатида намоён бўладиган жиҳатдир. Биз бунинг намунасини қуйидаги тўртликда ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, адиб томонидан ўртага ташланаётган билим олиш мавзуси ушбу тўртликда жуда соддалик ва осон тилда баён қилинган.

Bilig erdäm organ ağır tut anı,

Ağır qılğay ol erdäm seni.

Bilig bil, uquş uq, yorıma yava,

*Ödi kelsä berür ol küni*³.

Ушбу тўртликда: *bilig* – билим, илм, ақл (ДТС.99) деган маънони, *erdäm* эса саховат, ҳиммат, кадр-қиммат (ДТС.176) маъноларини англатади. *ağır tut* – ҳурмат қилмоқ, кадрламоқ (ДТС.19) ва *uquş* – укув, фаҳм (ДТС.613) маъносида қўлланган. *yori-* - юрмоқ (ДТС.274) ва *yava* – беҳуда, бефойда (ДТС.248) ҳамда *öd* – вақт (ДТС.377) деган маънода.

Юқоридаги сўз маъноларидан келиб чиқиб тўртлик маъносини қуйидагича изоҳлаш мумкин: Билим, ҳиммат ўрган, уни кадрли тут, бу ҳиммат сенга (охирида) кадрли қилади. Билим бил, укув ўрган, беҳуда юрма, пайти келса (бундай кишининг) куни ёришади.

Тўртликнинг мазмуни шундаки, киши ижтимоий ҳаётда яшар экан, унинг фаровонлиги учун камолоти мезонига асос бўладиган ҳунар ўрганиш, ҳайрли ишларга ўзини сафарбар этиш, илм олиш ҳамда беҳуда вақт сарфламаслик каби тушунчалар билим олиш асосида эканлиги таъкидланади.

2. Тил одобига бағишланга шеърлар. Шарқ халқларида *Erdäm başı tıl* – адаб ва фазилатнинг боши тил⁴ мақоли бежизга айтилмаган. Азалдан ёши улуғлар тилни гўзал сўзлар билан безашга эътибор беришган. Чунки тил

³ Тўхлиев Б, Сидиков Қ, Иботов С. Қутадғу билиг. Т., 2010. –Б.46.

⁴Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 1 том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Солиҳ Муталлибов. –Т., 1960. –Б. 323.

яраси битади аммо, тил яраси битмайди. Бу мақол “Қутадғу билиг”даги куйидаги тўртликда келтирилган:

*Sözün söksä yalñuq açitsa tilin,
Söñökkä sizig ol, köñülkä yalın.
Urup berkä başi bütär tärk sonar,
Tilin söksä bütäs açigı yilın⁵.*

Ушбу тўртликда: *yalñuq* – киши, одам (ДТС.229) маъносини, *yalın* – аланга, олов (ДТС.229) ва *bütär* – тузалмоқ, битмоқ (ДТС.133) ҳамда *yıl* – йил (ДТС.266) деган маъноларни англатади.

Юқоридаги сўз маъноларидан келиб чиқиб тўртлик маъносини куйидагича изоҳлаш мумкин: киши сўзида сўкса, тилини аччиқ қилса, суякка (урилган) тиғ, дилга (ёқилган) оловдир. Калтак яраси битади, тез эсдан чиқади, тил билан сўкса битмайди, захри узоқ йил (абадий) қолади.

Тилнинг гўзаллиги ҳамда эзгуликка бошловчи восита эканлиги шарқ халқларининг панднома шеърларида асосий моҳиятни касб этади. Биз адибнинг юқоридаги тўртлигида тил хусусидаги икки жиҳат: эзгу ишларга йўлловчи восита ҳамда ёмон ишлардан тийувчи эканлиги қайд этилади. Адиб томонидан тўртликда халқчил руҳдаги ирсоли масал санъатининг қўлланиши тил жозибасини яна ҳам мазмунли тарзда очиб берган.

3. Одоб-ахлоқ руҳидаги шеърлари. Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан ўз даврида яратилган дидактик асарлар қаторида туради. Ушбу асарнинг ўзига хос жиҳати шундаки, асарда шарқона одоб-ахлоқ масалалари тўртлик шаклида келтирилган. Мисол учун:

*Atañ pändini sen qatig tut qatig,
Qutaðğa küniñ bolğa kündin tatig.
Atañni, anañni sevindür, tapin,
Yanut bergä tapgıñ tümän miñ asig.*

⁵ Тўхлиев Б, Сидиков Қ, Иботов С. Қутадғу билиг. Т., 2010. –Б.38.

Ушбу тўртликда: *qutaδ-* – омадли, бахтли (ДТС.472), *tapin* – ишламоқ, хизмат қилмоқ (ДТС.534) маъносини, *yanut* эса эваз, бадал (ДТС.233) ҳамда *asiğ* – фойда, наф (ДТС.60) маъноларини англатади.

Юқоридаги сўз маъноларидан келиб чиқиб тўртлик маъносини қуйидагича изоҳлаш мумкин: отангнинг пандини сен қаттиқ тут, қаттиқ, сени бахтга элтади, кунинг кундан-кунга ширин бўлади. Отангни, онангни хурсанд қил, (уларга) хизмат қил, хизматларинг эвазига туман минг ҳисса фойда оласан⁶ (20).

4. Ижтимоий-сиёсий ишларига бағишланган шеърлар. Қадимдан ўзининг ботирлиги ва ўтқир сиёсатли давлат раҳбарларига эга бўлган туркий халқларда одил подшо образи аввало унинг юритган сиёсати ва кўрсатган адолатида намоён бўлган. Беклик шартлари “Қутадғу билиг”чалик яна бошқа биронта асарда содда ва равон услубда баён қилинган эмас. Асарда нафақат бекнинг халқ олдидаги вазифалари, балки халқнинг ҳам давлат олдидаги масъулияти бериб ўтилади. Мисол учун:

Bu beglär qapuğın siyāsat bezär,

Siyāsat bilä beg elini tüzär.

Esizkä siyāsat yoriğu keräk,

Bodun bulğanuqın siyāsat süzär.

Маъноси: бекларнинг даргоҳини сиёсат безайди, сиёсат билан бек элини тузади. Ёмонларга сиёсат юритиш керак, халқ орасидаги ярамасликларни сиёсат тузатади⁷.

Асарда беклик мустаҳкам бўлиши учун 4 нарсага – биринчиси, кучли лашкарга, иккинчиси, кучли лашкарни сақлаш учун кўп бойликка, учинчиси, кўп бойликни тўплаш учун бадавлат халққа, тўртинчиси, бой-бадавлат халққа эга бўлиш учун адолатли сиёсат юритишга катта эҳтиёж бор.

Ҳозирда раҳбарларга қўйилган талаблар асарда ўзининг яққол ифодасини топган. Асарда баён этилган беклик талаблари ва халқнинг давлат

⁶ Тўхлиев Б, Сидиков Қ, Иботов С. Қутадғу билиг. Т., 2010. –Б.20.

⁷ Ўша китоб. –Б.31.

олдидаги вазифалари бугунги кун учун ёзилгандек. Шу сабабли ҳам биз бу асарни жаҳон тамаддунига катта хисса қўшган асарлар каторига қўша оламиз.

5. Ишқий мазмундаги шеърлар. Лирик қўшиқлар инсон руҳида ташқи муҳит таъсирида вужудга келган ҳис-туйғуларни, ички кечинмаларни ифодаловчи восита ҳисобланади. Лирик қўшиқларнинг мазмунини оддий сўзлашув тарзда, яъни ундаги фикрни содда сўзлар билан баён этган ҳолда ифодалаш мумкин эмас. Иззат Султон «Адабиёт назарияси» дарслигида лирикада ҳар қандай ҳис ва фикрлар эмас, балки «хос ҳол» ва «хос маъно» ўз иникосини топади дея эътироф этган эди⁸. Қадимги туркий матнларда лириканинг келтирилишини оладиган бўлсак, «Қутадғу билиг» асарида шеърнинг илк вазнли қолиплари ва содда ташбеҳ ҳамда муболағаларнинг ишлатилишини кузатамиз. Мисол учун:

Köñül kimni sevsä mün erdäm bolur,

Qamuğ tetrüsi oñ qoquzi tolur.

Köñül kimni sevsä qamuği sevüg,

Körür közkä ursa körünmäs bolur⁹.

Ушбу тўртликда: *mün* - айб, камчилик – (ДТС.352) ва *tetrüsi* – эгри, тескари (ДТС.556) маъносини англатади.

Юқоридаги сўз маъноларидан келиб чиқиб тўртлик маъносини қуйидагича изоҳлаш мумкин: кўнгил кимни севиб қолса, унинг айб ва нуқсонлари билинмайди. Барча камчиликлари тўлади. Кўнгил кимни севиб қолса, унинг бутун борлиғи севимли, кўрар кўз олдида турсада кўрмагандай бўлади.

Асарда яна ватанпарварлик ва Оллоҳга мурожаат шеърлари ҳам мавжуд.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, асарда келтирилган тўртликларнинг мазмуни бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганлиги билан ҳарактерланади.

⁸ Султон И. Адабиёт назарияси. –Тошкент, 1980. –Б. 252.

⁹ Тўхлиев Б, Сидиков Қ, Иботов С. Қутадғу билиг. Т., 2010. –Б.4.

Юсуф Хос Ҳожибнинг инсонларни маънавий етукликка чорловчи сермаъно ижоди, яъни “Қутадғу билиг” асари бугунги кун миллий ўзликни англаш ва баркамол авлодни тарбиялашда муҳим вазифани бажаришга хизмат қилиши билан ҳам ўта қимматли.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Турсунов У, Ўринбоев Б, Алиев А. Ўзбек адабий тили тарихи. –Т.: Ўқитувчи, 1995.
2. Древнетюркский словарь, –Л.: Наука, 1969.
3. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғатит турк. 1 том. Таржимон ва нашрга тайёрловчи: Солиҳ Муталлибов. –Т., 1960.
4. Стеблева И.В. Тюркская поэтика (Этапы развития VIII-XX вв). – Москва.: Восточная литература, 2012.
5. Султон И. Адабиёт назарияси. –Тошкент, 1980.